ҚАРШИ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ		**РЕШЕНИЕ ХОКИМА ГОРОДА КАРШИ**

180100 Қарши шаҳар Ислом Каримов кўчаси 60-уй. Тел: (375) 223-08-93

2019 йил «29» 08 № Х-3616/8 Қарши шаҳри

Карши шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан шаҳардаги умумий ўрта таълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "Таълим тўғрисида"ги 464-I-сонли Қонунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан шаҳардаги мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумий ўрта таълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қарши шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумий ўрта таълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (А.Насимов), шаҳар халқ таълими бўлими (Б.Эргашев), шаҳардаги барча умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларига:

мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Шаҳардаги барча умумий ўрта таълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб

ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисоблансин.

4. Қарши шаҳар ҳокимининг 2017 йил 12 майдаги Х-1038/5-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси (М.Джўраев)га:

мазкур қарорни оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Насимов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Ж.Фозилов**